



ҚОНУН ВА ШАРҚ

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ —

ҳокимиятлар бўлиниши
конституциявий
принципини амалга
оширишнинг муҳим
механизми

2014 йил 16 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонун, хусусан, унда конституциявий даражада парламент назорати институти мустақамлангани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги роли, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилди.

Маълумки, мамлакатда қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ижро интизомига риоя қилишда назоратнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Парламент назоратининг бошқа назорат турларидан асосий фарқи, авваламбор, олий давлат вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манба бўлган халқ томонидан сайлаб қўйилган вакиллар томонидан амалга оширилиши, иккинчидан, ҳокимиятлар ўртасидаги «бир-бирини тийиб туриш ва мувозанат сақлаш» тизими воситаси бўлиб хизмат қилиши; учинчидан, асосий объекти давлат органлари фаолияти эканлиги; тўртинчидан, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиши; бешинчидан, ўзининг демократиклиги, очиқ ва ошкоралиги, партиялар ва электротар манфаатларини уйғунлаштирилганлиги, жамоатчилик фикри ва кучига таъйини билан ажралиб туради.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП: БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ



Суратда: Зангиота туманидаги «Назарбек» қишлоқ врачлик пунктидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси Қурбонжон Қобулов.

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР

партия ғоялари тарғиботида фаол иштирок этмоқда

Зангиота туманида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 70 бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар уч минг нафарга яқин аъзони бирлаштирган.

«Назарбек» қишлоқ врачлик пункти қошидаги бошланғич

ташкилот партиямиз ғояларини тарғиб қилиш, хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, электротар вакилларининг тиббий маданиятини ошириш жараёнида фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Мазкур муассаса ходимларининг 16 нафари — партиямиз аъзоси. Улар партиямиз Дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича қатор ташаббусларни амалга оширмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш масалаларида аҳоли орасида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Партия гуруҳлари

қонуний ваколатлардан самарали фойдаланиши лозим

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари, туман ва шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Пленум қизгин савол-жавоб ва баҳс-мунозара асосида ўтди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича таклифлар, электротар манфаатларига қаратилган амалий ишларни янада такомиллаштириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

► Давоми 2-бетда.

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК АСРИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Таълим ва фан — барқарор ривожланиш йўлида» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари, шунингдек, Беларусь Республикаси, Германия, Латвия, Литва, Польша, Швеция, Қозғистон, Корея Республикаси ҳамда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Тинч, осойишта мамлакатда таълим ривожланади, илм-фан тараққий этади



Барқарор тараққиёт ўзи нима дегани? Нега бугунги кунда унинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда? Илмий-амалий анжуманда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлаш керакки, ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланишида малакали кадрлар муҳим ўрин тутди. Олимларнинг фикрича, сўнгги йилларда кучайиб бораётган жон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишнинг йўлиларидан бири барқарор тараққиёт концепциясини ишлаб чиқишдир.

► Давоми 3-бетда.



«ЁШЛИК» САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

мажмуаси фойдаланишга топширилди

Урганч шаҳрида бунёд этилган мазкур иншоотнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Пўлат Бобоқонов қатнашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимиз ташаббуси билан 2013 йилда Урганч шаҳрининг Бош режасини амалга ошириш бўйича мажсу Давлат дастури қабул қилинган эди. Шу кунгача 1 триллион 200 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 130 га яқин иншоот бунёд этилди.

Хоразм вилоят ҳокимлиги расмий сайтининг хабар беришича, «Ёшлик» мажмуасида иккита ҳўжалик моллари, овчилик ва балиқчилик ашёлари дўкони, маиший хизмат кўрсатиш маркази, аёллар гўзаллик салони фаолият кўрсатмоқда. Энг асосийси, бу ерда эллика яқин ёшлар иш билан таъминланди. Мустақиллик байрами арафасида мажмуа таркибиде замонавий клиника ишга туширилиб, яна 40 иш ўрни яратилади.

ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАЛАР —

она ва бола саломатлиги посбонлари

Ёзвон туманида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бoshқармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Патронаж ҳамшираларининг «саломатлик сектори»даги роли» мавзусида семинар ўтказилди.

Унда қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори юртимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтиришда, замонавий таълим усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Фаргона ҳақиқати» газетаси сайтида хабар берилишича, тадбирда тиббиёт муассасалари ходимлари фаолигини ошириш, бу жараёнда қишлоқ врачлик пунктларидаги патронаж ҳамширалари билан бирга маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Семинарда Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

ЙЎЛОВЧИЛАР

жетонлардан фойдаланишади

Жорий йилнинг 1 майдан бошлаб Самарқанд шаҳрида йўловчи ташувчи жамоат транспортидан фойдаланишда йўлқари ҳақи пластик қарточкалар орқали сотиб олинган мажсу жетонлар воситида амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Самарқанд вилояти ҳокимининг шу ҳақдаги қарори лойиҳаси муҳокама учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилинган.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жетонлар сотиладиган мажсу жойлар ташкил этилиши кутилмоқда.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг йиғилишида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, Жамойт хавфсизлиги вазири Го Шэнхун билан учрашди.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳурмат ва ишонч таъминлашга асосланган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари турли йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Минтақавий хавфсизликни мустақамлаш борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналиши турли таҳдид ва хавфхатарларга биргаликда қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаштиришдан иборатдир. Ўзбекистон ва Хитой минтақда, дунёда хавфсизлик ва барқарорликни

мустақамлашга муҳим ҳисса қўшаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Учрашувда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, фуқаролар осойишталигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда терроризм, экстремизм ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши

билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири билан Хитой Халқ Республикаси Жамойт хавфсизлиги вазири ўртасида 2016-2017 йилларда ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида Протокол имзоланди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎзХДП ФАРГОНА
ВИЛОЯТИ, ТУМАН,
ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИДА

РИШТОН ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИ «ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МУҲИТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ИШТИРОКИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ.

БЕШАРИҚ ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИ «ЁШЛАРНИ ЁТ ҒОЯЛАР ВА ТУРЛИ ОҚИМЛАР ТАЪСИРИДАН АСРАШ — МАҚСАДИМИЗ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ МАЪНАВИЯТИМИЗ КУШАНДАСИ» МАВЗУСИДА ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ТАШКИЛ ҚИЛДИ.

ҚЎҚОН ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШИ «ТАРҒИБОТЧИ — МАҲАЛЛАДА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗГАН ТАДБИР КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, ИШГА ЖОЙЛАШИШДА ҚИЙИНЧИЛИККА ДУЧ КЕЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИГА БАФИШЛАНДИ.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

■ «Парламент назорати тўғрисидаги» Қонунда кўрсатиб ўтилган назорат шакллари ва барчаси парламентга жуда катта имкониятлар беради.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ —

ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини амалга оширишнинг муҳим механизми

Шу маънода 2016 йил 12 апрелда матбуотда эълон қилинган «Парламент назорати тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам айнан мазкур соҳада узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил, босқичма-босқич, тадрижий ислохотларнинг навбатдаги муҳим мантаний натижасидир.

Қонун 28 моддадан иборат бўлиб, унда мазкур назоратни амалга оширишда жуда ҳам муҳим бўлган парламент назорати субъектлари, объекти, амалга ошириш шакллари, субъектларнинг мажбуриятлари, парламент назорати натижалари каби масалалар ўрин олган.

Қонун пухта бўлиши учун уни ишлаб чиқишда миллий қонунчилик, парламентимиз фаолиятида шаклланган ижобий тажрибалар ҳамда ривожланган демократик давлатларнинг бу соҳадаги энг илғор тажрибалари ўрганилди ҳамда уларнинг энг самарали нормалари ҳисобга олинди.

Қонуннинг асосий мақсади Конституция ва қонунлар талабларининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона тизимга солинган қонунчилик базасини яратишдан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларининг, шунингдек, муҳим давлат дастурларининг рўйбга чиқарилиши юзасидан ушбу давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ҳамда жавобгарлигини оширишдан иборат.

Қонуннинг 3-моддасида мазкур **назорат субъектлари** аниқ белгилаб қўйилди, унга кўра Олий Мажлис палаталари, палаталар кўмиталари комиссиялари, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, депутатлар ва сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назоратини амалга оширади.

Қонуннинг энг муҳим ютуқларидан бири бу партиялар фракцияларининг давлат

ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолиятини сифат жиҳатидан янги асосда қўрилишига хизмат қилувчи бир қатор нормаларни назарда тутганидир. Хусусан, Қонунда сиёсий партия фракцияларининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини боришини кўриб чиқишда, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини дастлабки тарзда муҳокама қилишдаги ҳуқуқлари белгилангани, Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш, парламент сўровини юбориш тўғрисида тақлиф киритиш ҳуқуқлари берилганлиги шулар жумласидандир.

Маълумки, ҳар қандай назорат унинг объекти аниқ белгилаб олингандагина мақсадли ва самарали бўлади ҳамда бошқа субъектларнинг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятларига аралашмаслиқни кафолатлашга хизмат қилади. Шу мақсадда Қонуннинг 4-моддасида парламент назоратининг объекти аниқ белгилаб қўйилди. Унга кўра «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳақда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларини амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати объектидир».

Бу ўринда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўладиган жиҳат бу — парламент назорати фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан амалга оширилишидир.

Агар ҳақон парламентаризми тажрибасини таҳлил қилдикан бўлсак, унда парламент давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларини бюджетни тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш, дебатлар,



парламент палаталарида ҳукумат ёки вазирларнинг ўз фаолиятлари ҳақида маъруза ёки ҳисобот беришлари, парламент эшитишлари, парламент текширувлари, қонун татбиқ этилишини ўрганиш, оғзаки ва ёзма саволлар бериш, омбудсман орқали инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини текшириш йўллари воситасида ўз назоратида тутишини кузатишимиз мумкин. Шу маънода Қонуннинг 5-моддасида белгиланган давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижроси боришини кўриб чиқиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботини, ҳукумат аъзоларининг ахборотини, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор, Табиғий муҳофазат қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк ҳисоботларини эшитиш, парламент сўрови, депутат ва сенатор сўрови, Олий Мажлис палаталари кўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари ижро этилаётганлигини ўрганиш каби парламент назорати шакллари жаҳон андозаларига тўла мос келади.

Қабул қилинган қонунларни ижро этиш мақсадида қонунсоти ҳужжатлари қабул қилинишини мониторинг қилишнинг долзарблиги ҳақида Президентимиз 2015 йил 23 январда Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлисида таъкидлаб ўтган

эдилар. Шу маънода Қонунга бу назорат шаклининг алоҳида киритилиши Мамлакатимиз раҳбари томонидан қўйилган муаммонинг ечимига хизмат қилади.

Қонунда кўрсатиб ўтилган назорат шакллари ва барчаси парламентга жуда катта имкониятлар беради. Биргина «Давлат бюджетни ижро этилишини кўриб чиқиш» шаклининг ўзидек парламентга бюджет орқали ҳаётимизнинг барча қирраларини кўриш, давлат маб-лағларини самарали, мақсадли сарфланиши устидан баҳо бериш имкониятини беради.

Шунинг учун ҳам Қонуннинг 7-моддасида Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг кўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкинлиги, бунда фракциялар, депутатлар гуруҳлари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли

қўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Маълумки, ҳар қандай назорат ўзининг самараси, натижадорлиги билан мантаний ақнига етади. Шунинг учун ҳам яқиний чоралар аниқ, равшан белгилаб қўйилиши парламент назорати мақсадида етишганлигини баҳолашда, таҳлил қилишда жуда ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади. Шу маънода Қонуннинг 21-моддасида парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича амалга

ошириши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатлар белгилаб қўйилди. Уларнинг ичидан энг муҳимларидан бири сифатида назорат яқини бўйича янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги қонунларни қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан киритилган маърузаларни, ҳисоботларни, ахборот ҳамда бошқа материалларни улар юзасидан мулоҳазалар ва тақлифларни кўрсатган ҳолда ушбу органларга маромига етказиш учун белгиланган тартибда қайтариб юбориш; парламент назорати натижаларини эълон қилиш мумкинлиги қабиблири алоҳида қайд этиш лозим. Чунки экспертларнинг фикрича, парламент назорати бошқа давлат назорати турларидан

фарқли равишда асосий мақсади, қимнидир жазолаш эмас, балки қонунчиликни тақомиллаштириш йўли билан муаммоларга чора кўриш ҳисобланади. Парламент назорати натижаларини эълон қилиш чораси ҳам ривожланган демократик давлатлар тажрибасида қўлланиладиган сиёсий-ҳуқуқий таъсир воситаси ҳисобланиб, тегишли мансабдор шахслар фаолияти жамоатчилик орасида кенг муҳокамаларга, танбехларга сабаб бўлади.

Қонуннинг 22-моддасида парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмлар назарда тутилган. Уларнинг ичидан энг муҳимлари сифатида парламент назорати натижалари бўйича ишлаб чиқилган тақлифлар ва тавсияларни амалга оширишга қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқиш ва (ёки) қарорлар қабул қилиш; қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўришни келтириб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ҳокимият бўлиниши конституциявий принципини рўйбга чиқариши давом эттиришда, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини яратишда, Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини ўзгариштиришда, қонун устуворлигини, қонунчиликни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунлари ижросини таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш учун уларнинг жавобгарлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
бўлим бошлиғи, юридик
фанлар номзоди, доцент.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Олтинқўл иқтисодий коллежи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Шукуржон Маматкулов. — Бунинг учун дастлаб ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ўрганилади, таҳлил қилинади ва доимий комиссия муҳокамасига қўйилади. Асосланган тақлифлар, ҳаётини мисоллар тақдим этилсагина, масала сессия кун тартибидан ўрин олади. Бу билан қимнингидир камчилигини кўрсатиш ёки депутатнинг обрўсини ошириш мақсад қилинмайди, албатта. Аксинча, бунда сайловчиларнинг, кўпчилигининг манфаати ифода этилади. Демак, сессияга масала олиб киришдан мақсад, аввало, одамларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топиш, демократик ва ижтимоий ислохотлар самарадорлигини оширишдан иборат.

Пленумда партия Ҳаракат дастури ижросини изчил таъминлаш, партия ташкилотлари ва депутатлар ҳамкорлигини кучайтириш, бошланғич партия ташкилотлари ишини замон талабларига мослаштириш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди. **ЎзХДП Бўз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Матлубахон Тўйчиева, партияга фаоли, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Севарахон Фозилжонова** ва бошқалар сўзга чиқиб, пленум кун тартибидagi масалалар бўйича ўз тақлифларини баён этишди.

Пленумда навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашида бўлиб ўтган ўқув-семинар ана шу мавзуга бағишланди. Унда Тошкент шаҳар, туман кенгашлари масъуллари, депутатлар, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда фаоллар қатнашди.

Давлат ва жамият бошқарувида

сиёсий партиялар муҳим ўрин тутати

Шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдашева партия ташкилотлари етакчиларининг ўзига хос услуби ҳақида маъруза қилди.

Семинар **ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Нигора Эшметованинг** «Мамлакатимизда кўппартиявийлик

Маълумки, сиёсий партиялар ўз гоёлари билан мамлакатнинг тараққий эттиришда, давлат бошқарувини ривожлантиришда бевосита иштирок этади. Аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб, ечим топишга кўмаклашиш орқали тарафдорларини кўпайтиради.

тизимини ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари» мавзусидаги маърузаси билан давом этди.

— Даврнинг ўзи ҳар биримиздан янада фаоллик, ташаббускорликни талаб этмоқда, — деди у. — Фаолиятимизни янги босқичга кўтариш учун эртага бутунгилдан яхшироқ ишлашимиз керак. Маълумки, сиёсий партиялар ўз гоёлари билан мамлакатни тараққий эттиришда, давлат бошқарувини ривожлантиришда бевосита иштирок этади. Аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб, ечим топишга кўмаклашиш орқали тарафдорларини кўпайтиради. Биз ҳам шунга интилишимиз керак.

Шунингдек, семинар давомида кўппартиявийлик тизими шаклланишининг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, электрорат манфаатлари ҳимояси тўғрисида атрофлича тушунча берилди.

ЎзХДП Олмazor туман кенгаши раиси Камолитдин Ақромов тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти ҳақида фикр юритди.

Ўқув якунида барча туман кенгашлари раислари ва бошланғич ташкилотлар етакчилари ўртасида қизғин савол-жавоб бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ

қонуний ваколатлардан самарали фойдаланиши лозим

Алоҳида қайд этилдики, муҳим ижтимоий масалалар бўйича жойларда жамоатчилик ва депутатлик назоратини янада кучайтириш бугунги куннинг талаби ҳисобланади. Худудий ривожланиш дастурлари юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиётини кенг йўлга қўйиш зарур.

Шунингдек, сўзга чиққанлар «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида барча бирдек масъул эканини, бу борада маҳалла ва бошқа жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш кераклигини таъкидлашди.

Пленумда **Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Абдулхамид Нурматов** «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида партия ташкилотлари иштирокини таъминлаш, депутатлик бирлашмаларининг электрорат манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтириш масалалари юзасидан маъруза қилди.

— Маълумки, Соғлом она ва бола йили муносабати билан кенг қўламли Давлат дастури қабул қилинди, — деди у. — Шундан келиб чиқиб, партиямиз Марказий Кенгашининг бешинчи пленумида барча даражадаги ташкилотларимиз, маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларимиз зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди.

Депутатлар электрорат манфаатларини тизимли равишда ўрганиб, таҳлил этиб бориши ҳамда аниқ ташаббуслар билан чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Демак, маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари назорат-таҳлил, депутатлик сўрови институти имкониятларидан янада кенг фойдаланиш, худудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бажарилиши юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитишнинг изчил ташкил қилиши ҳамда тизимли равишда доимий комиссияларга кўпроқ масала киритиши талаб этилади.

Ўтган йили электрорат манфаатларини билан боғлиқ 16 масала вилоятимиздаги партия гуруҳлари ва доимий комиссияларда, 10 таси сессияларда муҳокама қилинди. Жорий

Ўтган йили электрорат манфаатлари билан боғлиқ 16 масала вилоятимиздаги партия гуруҳлари ва доимий комиссияларда, 10 таси сессияларда муҳокама қилинди.

йилда бу кўрсаткични янада оширишимиз керак, албатта.

Партиямиз Дастурида олис туманларда яшаётган аҳоли, айниқса, аёллар учун тиббий хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш борасида муҳим вазифалар назарда тутилган. Партиямизнинг жорий йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурида айнан ушбу йўналишлардаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз чекка ҳудудларда яшаётган аҳоли, хусусан,

хотин-қизлар учун ижтимоий, маиший ва тиббий шарт-шароитларни яхшилаш, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш ишларини изчил ўрганиши лозим. Жорий йилда бу борада 16 масалани партия гуруҳлари, доимий комиссиялар ва сессияларда муҳокама қилиш кўзда тутилган.

— Юқорида тўғри таъкидланди. Сессияга масала киритиш, унинг ечими юзасидан назорат ўрнатиш жуда масъулиятли жараён, — деди

Давомий. Бошланғич 1-бетда.

XXI АСР —
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
БОЙЛИК АСРИХАБАРЛАР
ТУЛҚИНИДАИш ўринлари
аттестациядан
ўтказилади

Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан жойларда 2016 йил давомида корхоналарда иш ўринларини аттестациядан ўтказиш жадваллари тасдиқланмоқда.

Хусусан, Навоий вилояти меҳнат бош бошқармаси ҳамда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасидаги келишувга мувофиқ вилоятдаги соғлиқни сақлаш муассасалари, барча тижорат банклари, қурилиш ташкилотлари ҳамда 36 йирик ишлаб чиқариш корхонасида 1068 иш ўринини аттестациядан ўтказиш режалаштирилган.

Касаба уюшмалари федерацияси матбуот хизматининг хабар беришича, аттестация натижасига кўра, ишловчилар имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, ноқулай меҳнат шaroитида ва зарарли ишларда ишлаётганлар учун йиллик қўшимча таътиллари бериш, сут ва унга тенглаштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш, қўсқатирилган иш вақтлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган қўйилган бошқа имтиёзлар жорий қилинади.

ФХДЁга электрон
ариза топшириш
мумкин

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида янги хизмат тури жорий этилмоқда. Фуқаролар эндilikда никоҳдан ўтиш учун ФХДЁ бўлимига электрон ариза бериш имконига эга бўлишди. Таъкидлаш жоизки, ушбу хизмат синов тариқасида дастлаб Сергели тумани ФХДЁ бўлимида жорий қилинди. Бу ҳақда uz24.uz сайти хабар бермоқда.

Янги хизмат аризани қабул қилиш ва бўлажак келин-куёвга тиббий кўрикдан ўтиш учун йўланма беришни ўз ичига олади.

Хизмат пуллик бўлиб, фақат Сергели туманида доимий рўйхатда турувчи жисмоний шахсларга кўрсатилади.

ТОШКЕНТ
ПОЛИТЕХНИКА
МУЗЕЙИДАдавра суҳбати бўлиб
ўтди

Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан «Маданият мулоқоти — Ягона олам» халқаро хайрия жамғармаси томонидан Тошкент политехника музейига биринчи фазогир Юрий Гагарин бюсти тақдим этилди.

Тадбирда Россиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Владимир Тюрленев иштирок этди.

Шунингдек, Россия фан ва маданият марказида Космонавтикага бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Унда аэрокосмос соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди, деб хабар беради Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси сайти.

■ Ҳамкасбим Жозеф Мосеш, ўз маърузасида «Ёшлар биздан нимани кутмоқда?» деган саволни ўртага қўйди. Мен бу саволга «Ёшлар биздан биргина нарса, у ҳам бўлса, тинчликни, барқарорликни кутади», деб жавоб берган бўлар эдим.

ТИНЧ, ОСОЙИШТА МАМЛАКАТДА
таълим ривожланади, илм-фан тараққий этади

Бу йўналишда Ўзбекистонда кенг қўлланмиш ишлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурлари замирида барқарор ривожланишни таъминлаш, барча соҳаларда малакали кадрлар етиштириш мақсади муҳим бўлган.

Ўзбекистон Миллий университетида мазкур йўналишда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сув манбалари мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга. Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури доирасида ЎЗМУда бажарилаётган UZWATER лойиҳаси келажақда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини такомиллаштириб, янги даражага олиб чиқадиган мутахассислар тайёрлаш тизимини янада яхшилашга қаратилган.

Халқаро илмий-амалий анжумани очар экан, **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ўринбосари Ботир Усмонов кўриб чиқилган масалалар, уларнинг ечими мамлакатимизда таълим тизими ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Айниқса, ўз соҳасини пухта эгаллаган, малакали кадрлар тайёрлашда хорижий олий ўқув юрлари билан ҳамкорлик бекиёс аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Ботир Усмонов мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, бу борада эришилган ютуқлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

— Турли корхоналарнинг атроф-муҳитга етказётган зарарининг салбий оқибатларини билан курашишдан кўра, унинг сабабларини ўрганиш, олдини олиш ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан жуда муҳимдир, — деди у. — Чунки атроф-муҳит муҳофазаси борасида юзага келган муаммолар билан курашадиганлар, вақт нуктаи назаридан, қўлингизда қолди. Масалан, корхонанинг чиқинди ва оқова

сувларини ўша ернинг ўзидатозалаб қайта ишлаш, табиий сув ҳавзаларига тушгандан сўнг, ифлосланган миллионлаб метр куб ҳажмдаги сувни тозалашдан кўра анча арзонга тушади. Ўзбекистон ҳозирги кунда атроф-муҳит ва табиий ресурслар муҳофазасини ташкил этишда худди мана шу йўлдан бормоқда.

Анжуман иштирокчиси Швейцариянинг Уппсала университети профессори, UZWATER лойиҳасининг координатори Ларс Риден «таълим — барқарор тараққий манфаатлари йўлида» таъминли асосида таълим соҳаси мутахассисларига дунё таърибаси ҳамда ўзининг илмий тадқиқотлари юзасидан тавсиялар берди.

Польшанинг «Ҳаёт фани» университети профессори Жозеф Мосеш сув ресурсларини барқарор бошқариш индикаторлари масалалари хусусида тўхталиб, келажакда мутахассислар тайёрлашда ўқитилиши кўзда тутилган фанлар дастурларини тузишда фойдаланиш бўйича илмий-услубий манбаларга эътибор қаратди.



Германиянинг Бранденбургдаги Технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш кўлаб-қувватлаш институти профессори Эдгар Клозе «Табиатнинг ривожланиши жамиятнинг барқарор тараққийи учун намуна» деб номланган маърузаси ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Унинг фикрича, ерда ҳаётнинг ривожланиши унга инсон таъсири кам бўлган даврларда уйғун ва барқарор бўлган. Ҳозирги кунда эса табиат ривожланиши билан жамият ривожланиши ўртасида номуносиблик мавжуд. Бу ер, сув, ўрмон, энергия ва бошқа ресурслардан фойдаланишда яққол кўзга ташланади.

Шунингдек, Германиялик олим ўз маърузасида дунё бўйича сугориладиган ерлар деградацияси, сув манбаларида қузатилаётган салбий таъсир ва сифат ўзгаришлари, ўрмонларнинг кескин камайиб бораётганлиги ҳамда бошқа жараёнлар ҳақида аниқ рақамларни келтириб ўтди. Айни пайтда олим табиатда рўй бераётган салбий ўзгаришларни ҳозирги кунда

дунё миқёсида кечаётган нотиқчилик билан боғлиқлигини билдирди. Анжуман иштирокчилари диққатини дунёнинг баъзи бир мамлакатларида бўлаётган урушларга қаратди.

Профессор Эдгар Клозе шу ҳақда гапира туриб, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганлигига ҳамда ўзининг Ўзбекистонга хаваси келтирилганини очик-ойдин баён этди. Олим ўз сўзини қуйидаги фикрлар билан якунлади: «Анжуман қатнашчиларидан бири, адашмасам, польшалик ҳамкасбим Жозеф Мосеш, ўз маърузасида «Ёшлар биздан нимани кутмоқда?» деган саволни ўртага қўйди. Мен бу саволга «Ёшлар биздан биргина нарса, у ҳам бўлса, тинчликни, барқарорликни кутади», деб жавоб берган бўлар эдим. Шундангина таълим тизими ва фан ривожланади, жамият барқарор тараққий этади».

Фазлиддин ҲИҚМАТОВ,
Ўзбекистон Миллий университети профессори,
география фанлари доктори.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан матбуот анжумани ташкил этилди.

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ-
бағрикенглик ва
олижаноблик ифодаси

Тадбирда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ярашув институтининг аҳамияти ва самаралари хусусида сўз борди.

Таъкидландики, ҳозирги кунда Жиноят кодексининг 44 моддасида назарда тутилган 60 жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти мавжуд.

Тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш адолат ҳамда инсонпарварлик таъминловчиларининг амалдаги кўринишидир.

Ярашув тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда баён қилинган тушултиришлар суд амалиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур институт жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини қайтаришга ҳоқ имконият яратди.

Шунингдек, ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда қисқа муддатда тарафлар ўртасидаги низо бартараф этилади ва ортиқча сарф-харajatнинг олди олинади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жинсий жавобгарликдан озод этилиб, «судланган», деган тамгадан халос бўлади.

Статистик маълумотларга кўра, жиноят қонунчилигида ярашув институтининг жорий этилгандан буюн 2016 йилнинг 1 январига қадар республикамиз бўйича 177 492 нафар шахсга нисбатан 163 759 жиноят ишлари тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан тугатилган. Яъни, ярашув институтининг самараси ўларок, 177 492 нафар шахс «судланган», деган тамгадан сақлаб қолинган.

Тадбир иштирокчилари журналистлар саволларига жавоб берар экан, жиноят қонунчилигида ярашув институтининг жорий қилиниши халқимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримlilik каби олижаноб фазилатларнинг ифодаси эканлигини амалий мисолларда таъкидлаб ўтишди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

Йўналишсиз таксилар ва
уларнинг ҳайдовчиларига
қандай талаблар қўйилган?

Мамлакатимизда автомобиль транспортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш фаолиятини тартибга солиш ҳамда ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, уларнинг ижроси мунтазам таъминланиб келинмоқда.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ушбу қарор йўналишсиз таксилар томонидан йўловчиларга кўрсатиладиган хизмат сифати ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур ҳужжатда йўналишсиз такси сифатида фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситаси техник жиҳатдан соҳа ҳолатда, автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юк ташиш қондаларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши қайд этилиб қолмасдан, уларнинг ташқи ва ички белгилари нимадан иборат бўлиши аниқ кўрсатилган.

Яъни, йўналишсиз таксиларнинг теласига «TAXI» ёзуви битилган тўқ сарик рангли фонар ўрнатилиши, машинанинг олдинги эшикларига «T» харфи, шахмат тартибда жойлаштирилган қора квадратлардан иборат бўлган композиция ва ушбу транспорт воситаси қарайдиган қорхона (юрдик шахс)нинг номи битилиши шарт.

Тошкент шаҳридаги йўналишсиз таксилар «Фил суғи» ранги билан, бошқа барча

вилоятлардагилар эса сарик рангга бўялади.

Машинанинг ичкараси қуйидаги тартибда жиҳозланиши лозим. Олд ойнанинг юқоридаги ўнг бурчагига яшил рангли ёритиш чироғи ўрнатилиб, автоташинанинг давлат рақами белгиси, ҳайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва фотосурати, иш вақтининг бошланиши ва тугаши, йўлқира қиймати (сўмда), такси қорхонасининг манзили ва телефон рақами, лицензия қатъия қилинган рақами ва амал қилиш муддати тўғрисидаги, шунингдек, мажбурий суғурта қилинганлик ҳақидаги маълумотлар йўловчилар бемалол ўқий оладиган ҳолатда ўрнатилган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, ҳисоблагич (таксометр), радиоалоқа воситаси, соз ҳолатда тамгаланган спидометр жиҳозлари, Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинаси ҳамда тўловларни банк пластик картчаларидан қабул қилиб олиш учун ҳисоб-китоб терминали мавжуд бўлиши талаб этилади.

Жорий этилган бундай талаблар, транспорт хизматлари сифатини ошириш ҳамда йўловчиларга ўзи буюртма қилган йўналишсиз такси ва унинг

ҳайдовчиси ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Бугунги кунда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, автотранспорт воситаларида аҳолига ноқонуний равишда пулли хизмат кўрсатишга барҳам бериш мақсадида, Давлат солиқ хизмати органлари томонидан манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 3500 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилиб, 7500 нафар жисмоний шахс ноқонуний фаолият билан шугулланаётганлиги аниқланган ҳамда уларга нисбатан тегишли маъмурий қоралар қўрилди.

Шу ўринда яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакатимизда амалдаги тартиб-қоидаларга амал қилмасдан, ноқонуний равишда «қирақаш»лик фаолияти билан шугулланаётган жисмоний шахсларга нисбатан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 176-моддасига мувофиқ, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан 100 бараваригача миқдоридида маъмурий жазима қўлланилиши белгиланган бўлиши қайд этилади.


Музаффар Юсуф НАЗАРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати бошлиғи.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁЕВРОПА
ИТТИФОҚИ
газ хавфсизлиги бўйича
қонун лойиҳасини
ўзгартирмоқчи

Европа Иттифоқининг 5 давлати — Австрия, Бельгия, Франция, Германия ва Италия Иттифоқнинг қолган аъзоларини газ билан таъминлаш бўйича қонун лойиҳасини ўзгартариш таклифи билан чиққан, деб хабар бермоқда Bloomberg интернет сайти.


Мазкур таклифда фавкуллода вазиятларда минтақавий бирлашиш ва ҳамжиҳатлик соҳасида янги қондалар кўзда тутилган.

Мукаддам Еврокомиссия Европа Иттифоқи давлатларининг газ етказиб бериш масаласида ҳамжиҳатлик таъминлини таклиф қилган. Унга кўра, агар Европа Иттифоқининг бирор давлатида газ таъминоти бўйича жиддий муаммо юзага келса, қўшни давлатлар уни газ билан таъминлаш лозим бўлади.

БАЛАНДДАН
БАЛАНД

Дубайда дунёнинг энг баланд Бурж-Халифа (828 метр) осмон-ўпар биносидан ҳам баландроқ иншоот қурилиши режалаштирилмоқда. Бирлашган Араб Амирликларининг Етааг қурилиш компанияси маълум қилишича, янги бионинг қурилиши 1 миллиард АҚШ долларига тушади. Ҳозирча бионинг баландлиги сир тутиляпти. Бу 2020 йилда, яъни осмон-ўпар бино қуриб битказилган маълум бўлади.

Бинода томоша майдончалари, рестороанлар, савдо жойлашадди.

ГИБРИД
ДВИГАТЕЛЛИ
самолёт яратилади

Франциянинг Airbus авиақурилиш корпорацияси ва Германиянинг Siemens саноат концернигиб Гибрид двигатели самолётлар ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилишмоқда. Ҳамкорлар бундай турдаги йўловчи уочларни 2030 йилда ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда.

Ҳозирча улар 100 йўловчига мўлжалланган гибрид моторга эга бўлган самолётни яратишга киришди, деб хабар беради Reuters агентлиги.

Электр қуввати ва авиация ёқилғисида ишлайдиган гибрид двигател шовқини пастлиги ва ёқилғи тежамкорлиги билан бошқа двигателлардан фарқланади.

